

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ХУСАНОВ ФАРРУХ ОЛТИНБОЕВИЧ**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ПЕДАГОГИК ТАШХИСЛАШ ВА МОНИТОРИНГ  
ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философских наук (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstracts of doctor  
of philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Хусанов Фаррух Олтинбоевич**

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик  
ташхислаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш..... 3

**Хусанов Фаррух Олтинбоевич**

Совершенствование системы педагогической диагностики и контроля  
профессиональной подготовки будущих учителей..... 23

**Husanov Farrux Oltinboevich**

Improving the system of pedagogical diagnosis and monitoring of professional  
training of future teachers..... 44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works ..... 48**

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ХУСАНОВ ФАРРУХ ОЛТИНБОЕВИЧ**

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ  
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ПЕДАГОГИК ТАШХИСЛАШ ВА МОНИТОРИНГ  
ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Pd3490-рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cspi.uz](http://www.cspi.uz)) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

---

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Джураев Рисбай Хайдарович</b> педагогика фанлари доктори, профессор, ЎЗР ФА академиги
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна</b> педагогика фанлари доктори, профессор  <b>Маҳмудов Сарвар Юлдашевич</b> педагогика фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Наманган давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел: (+99870) 712-27-55; факс: (+99870) 712-45-41; e-mail: [chdpi-kengash@umail.uz](mailto:chdpi-kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Чирчиқ педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел: (+99870) 712-27-55; факс: (+99870) 712-45-41; e-mail: [chdpi-kengash@umail.uz](mailto:chdpi-kengash@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**У.Н.Ходжамкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
п.ф.д. (DSc), доцент

**Ф.Т.Ражабов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, г.ф.ф.д. доцент

**Ш.И.Ботирова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc), доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган педагогик жараённинг индикатив моделлари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Касбий фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик параметрларидан кенг фойдаланиш орқали уларда профессионал тайёргарликни шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим сифати бўйича “Европа Кенгаши мамлакатларининг таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси” материалларига кўра, бўлажак ўқитувчилар педагогик амалиётини компетенциявий ва акмеологик ёндашувлар асосида узлуксиз ривожлантириш борасидаги илмий тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш фанларнинг методик ресурсларини такомиллаштириш, халқаро малака талабларига мос рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлаш онлайн ўқитишнинг психологик, андрагогик жиҳатларини аниқлаштириш, талабаларнинг шахсий, касбий, ижодий имкониятларини ривожлантириш, ўқув жараёнига концептуал ёндашувларни жорий этиш масалалари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган жараённинг индикатив ва рефлексив моделини такомиллаштириш, профессионал тайёргарликни шакллантиришда малакавий ва педагогик амалиётнинг дидактик имкониятларини аниқлаш, профессионал тайёргарликни педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг экспериментал методларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Республикамызда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини баҳолаш технологияларини ишлаб чиқиш, иш берувчиларнинг талаблари асосида таълим муассасаларида эдвайзерлик фаолиятини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш, талабаларнинг қизиқишларига мувофиқ таълимий жараёнларда қўлланиладиган кадрлар тайёрлаш моделларини такомиллаштиришнинг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, ҳудудлардаги барча умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал

педагог кадрларни етказиб бериш”<sup>1</sup> устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг оптимал вариантларини танлаш ва унинг амалий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олий малакали мутахассислар тайёрлаш ва ривожлантириш жараёни қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари республикамиз олимларидан Б.С.Абдуллаева, Н.Н.Азизхўжаева, З.Э.Азимова, У.Ш.Бегимқулов, Г.Т.Боймуродова, Б.Б.Джалолов, Р.Х.Джураев, Ш.Қ.Мардонов, А.Х.Махмудов, Б.Б.Маъмуров, М.Т.Мирсолиева, Н.А.Муслимов, А.К.Рахимов, Б.Х.Рахимов, А.А.Халиков, Д.И.Юнусовалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Е.И.Артамонова, В.И.Бойко, Н.В.Васильев, М.Е.Вайндорф-Сисоева, Л.К.Гребенкина, Л.П.Илларионова, И.Ф.Исаев, В.С.Лазарев, И.О.Мальцева, Б.П.Мартиросян, В.Б.Моисеев, В.И.Нечаев, С.Н.Новиков, Л.С.Подимова, Е.Г.Силяева, В.А.Сластенин, В.А.Хуторский, Е.Н.Шияновлар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга оид илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони.

Хорижий мамлакат олимлари Анжела Стоф (Angela Stoof), Бенжамин Блум (Benjamin Bloom), Брайан Р. Кол (Bryan R.Cole), Драпеау Патти (Drapeau Patti), Джон Равен (Jon Raven), Жаслин С. Голберг (Jasqueline S.Golberg), Мерриэмбар Жерон (Merrienboer Jeroen), Шубра Мангал (Shubhra Mangal), Рину Мохан (Reenu Mohan), Лайл Спенсер (Lyle Spencer) ва бошқалар педагогларнинг профессионал салоҳиятини ривожлантириш, компетентлик масалалари, ўқитувчилар тайёрлаш жараёнини интенсивлаштиришга доир тадқиқотлар олиб борган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши А1-ХТ-1-33147-сонли “Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда мазкур йўналишда илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

“профессионал тайёргарлик”, “касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини аниқлаштириш асосида бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини аниқлаш ва баҳолаш тенденциялари ҳамда педагогик шарт-шароитларини аниқлаш, мақсадга йўналтирилган педагогик жараённинг индикатив модели (ташкилий-педагогик тузилмаси)ни такомиллаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини ташхислаш ва баҳолашда педагогик амалиётнинг ўзига хос имкониятларини аниқлаш ва “Талабалар амалиёт маркази” платформасини яратиш;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий методик тавсиялар, мезонлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Жиззах давлат педагогика университети, Самарқанд давлат университети ва Чирчиқ давлат педагогика институтларининг 350 нафар респондент-талабалари жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** олий таълим ташкилотларида бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган педагогик жараён мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи кузатиш, материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш; социологик сўровнома, жамоавий ва якка тартибдаги суҳбатлар, педагогик-психологик методикалар, моделлаштириш, қиёслаш, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иш берувчиларнинг талаблари ҳамда талабаларнинг қизиқишларига мувофиқ бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёнининг илмий-методик таъминоти ҳамда “Талабалар амалиёт маркази” платформаси таҳлилий-рефлексив, конструктив-башоратловчи, ташкилий-фаолиятли, баҳоловчи-ахборотли, тузатувчи-бошқарувчи функцияларни барқарор интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

концептуал ёндашувларга мувофиқ бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини аниқлаш ва баҳолашда педагогик амалиётни ташкил этишнинг дидактик имкониятлари ўқувчининг ички оламини тўғри баҳолаш, ўқувчи учун намуна тимсоли бўла олиш, ўқувчиларда ижобий ҳислар, ўқишга нисбатан интилишни таркиб топтириш, ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш, уларда ишонч уйғотиш каби сифатларни тизимли таркиб топтириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган жараённинг индикатив модели мақсад, мазмун, жараён, ташхислаш ва натижа блоклари ҳамда уни амалга оширишнинг йўналтирувчи, фаолиятли ва баҳолаш функциялари билан биргаликда фаолият ва ҳаракатларни адекват акс эттириш, баҳолаш қобилияти, ўз-ўзини ривожлантириш асосида изчил такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини баҳолаш мезон кўрсаткичлари ҳамда даражалари фикрлашнинг мослашувчанлиги, педагогик таъсир стратегиясини экстремал ўзгартира олиш, педагогик фаолиятини бошқаришнинг энг мақбул усуллари оптимал танлай ҳамда қўллай олиш лаёқатлари асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёни мазмуни, мезонлари, кўрсаткичлари ҳамда даражалари аниқлаштирилган;

иш берувчиларнинг талаблари ҳамда талабаларнинг қизиқишларига мувофиқ “Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини аниқлаш ва баҳолашда педагогик амалиётни ташкил этиш йўллари” номли методик қўлланма ва “Талабалар амалиёт маркази” платформаси яратилган;

бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган жараённинг индикатив модели ишлаб чиқилган ҳамда олий таълим ташкилотлари (Жиззах давлат педагогика институти, Самарқанд давлат университети ва Чирчиқ давлат педагогика институти) амалиётига жорий этилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари



самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “профессионал тайёргарлик”, “педагогик ташхислаш ва мониторинг” тушунчалари мазмун-моҳиятининг очиб берилганлиги, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш компонентлари (мотивацион-кадриятли, когнитив, креатив, рефлексив-баҳолаш), мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларининг аниқлаштирилганлиги, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини аниқлаш ва баҳолашда педагогик амалиётни ташкил этиш йўллари, имкониятларининг ёритиб берилганлиги, профессионал педагогик тайёргарликка қўйиладиган талаблар ва унинг таркибий асосларининг аниқланганлиги, педагогик шарт-шароитларнинг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасини диагностика қилиш ва унинг ривожланиш динамикаси мониторингини амалга ошириш босқичлари, педагогик жараён доирасида ҳал этилиши лозим бўлган амалий вазифаларнинг ишлаб чиқилганлиги, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг педагогик шартлари аниқлаштирилганлиги, иш берувчиларнинг талаблари ҳамда талабаларнинг қизиқишларига мувофиқ бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган жараённинг индикатив модели ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

иш берувчиларнинг талаблари ҳамда талабаларнинг қизиқишларига мувофиқ бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёнининг илмий-методик таъминотини такомиллаштиришга доир таклифлардан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган А1-ХТ-1-33147-сонли “Узлуксиз таълим тизимида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, сифат ва самарадорлигини ошириш технологиялари” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 20-июндаги 01/15-09/156 сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёни SMART ва STEAM технологияларини интегратив қўллаш асосида такомиллаштирилган;

малакавий амалиётларда қўлланиладиган материаллар, яъни амалиёт ўтказиш режалари ва дастурлари, кундаликлар, ҳисобот ҳужжатлари шакллари рақамлаштириш асосида бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини аниқлаш ва баҳолашга оид таклиф ва тавсиялардан педагогика

таълим йўналишларининг “Педагогик амалиёт” дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларини тадбиқ этиш марказининг 2022 йил 27 июндаги 02/02-01-19-сонли маълумотномаси). Натижада, “Талабалар амалиёт маркази” платформаси таҳлилий-рефлексив, конструктив-башоратловчи, ташкилий-фаолиятли, баҳоловчи-ахборотли, тузатувчи-бошқарувчи функцияларни барқарор интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган жараённинг индикатив модели, концептуал ёндашувлар, “профессионал тайёргарлик”, “касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ойдинлаштиришга оид дидактик маълумотлардан Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида амалга оширилган Ф1-ХТ-1-55237-рақамли “Педагогик атамалар мазмунини модернизациялаш ва унификациялаш параметрлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 20-июндаги 01/15-09/156 сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган жараённинг индикатив модели ишлаб чиқилган;

бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини ташхислашнинг мезон кўрсаткичлари ва баҳолаш даражалари, “Талабалар амалиёт маркази” платформаси, бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган жараённинг индикатив моделларидан “60110100 – Педагогика ва психология” бакалавриат таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларини тадбиқ этиш марказининг 2022 йил 27 июндаги 02/02-01-19-сонли маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлиги фикрлашнинг мослашувчанлиги, педагогик таъсир стратегиясини ўзгартира олиши, педагогик фаолиятини бошқаришнинг энг мақбул усулларини танлаш ҳамда қўллай олиш лаёқатлари асосида аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, саккиз параграф, хулоса, 112 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш – ижтимоий педагогик зарурият сифатида асосланган ҳамда ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Бўлажак ўқитувчилар тайёрлаш соҳасидаги халқаро тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятлари баён қилинган.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлиги ўзида бир қатор ҳолатларни мужассамлаштириши керак. Жумладан: “касбий компетентлилик”, “профессионал тайёргарлик” тушунчаларининг моҳиятини аниқлаш; бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёнининг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини асослаш; бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлик даражасини диагностика қилиш ва унинг ривожланиш динамикаси мониторингини амалга ошириш кабилар.

Бизнингча, “бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлиги” тушунчасини аниқлашга ягона тўғри ёндашувни ажратиш мумкин эмас, чунки у интегратив тушунча ҳисобланади ва турли томонлардан қаралиши керак.

*Профессионал тайёргарлик* (лот. *professio* – касб) – бўлажак мутахассиснинг танланган соҳа бўйича билим, кўникма, малака ва касбий компетентлиги йўналишида умумий бўлган масалаларни ҳал этишда муваффақиятли фаолият юритишни таъминлайдиган, ташкилий-педагогик чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олган индивидуал тайёргарлиги.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлиги, асосан, педагогика олий таълим муассасалари, олий таълим муассасалари доирасида амалга оширилади. Профессионал тайёргарликнинг муҳим таркибий қисми педагогик амалиётдир.

Профессионал тайёргарликка оид назарий-методологик ёндашувларни ўрганиш бўлажак ўқитувчининг ўзгаришларга қобилятлилиги, педагогик маҳоратининг ўсиши ва унинг шахсий ривожланиши учун самарали фаолият юритишидаги мобиллик мазкур ҳодисанинг прагматик компонентини илмий англашга кўмаклашди. Бугунги кунда жамиятнинг ўзи мобилликнинг заруратини кўрсатади ва профессионалнинг модернизациялашган идеалига доимий мувофиқликни талаб этади. Таълимдаги ўзгаришларга маънавий-психологик жиҳатдан тайёрлик педагогнинг муҳим шахсий тавсифига айланмоқда.

Ҳозирги замон ўқитувчисининг профессионал фаолиятида урғу бериладиган жиҳат амалий билимлар, унинг фаолиятини ривожлантириш учун тақдим этишда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам бўлажак ўқитувчининг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш асосида унинг фаолиятини кўпфаолиятлиликка асосланган таълим жараёнини ташкил этишга йўналтириш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этмоқда. Шундагина бўлажак ўқитувчилар қуйидаги педагогик вазифаларни ечишга қодир бўла оладилар: таҳлилий-рефлексив; бу яхлит педагогик жараён сифатида яхлит педагогик жараённи таҳлил қилиш ва назарий жиҳатдан асослаш, вужудга келадиган қийинчиликларни аниқлаш; конструктив-башоратловчи; яхлит педагогик жараённинг қурилиши, уни режалаштириш, таълим натижаларини башорат қилиш, қабул қилинган қарорларнинг натижаларини тасаввур этиш; ташкилий-фаолиятли; ўқув-тарбия жараёнининг турли вариантларини амалга ошириш, педагогик фаолиятнинг ҳар хил турларини уйғунлаштириш; баҳоловчи-ахборотли; педагогик тизимнинг ҳолати ва ривожланиши учун зарур бўлган ахборотларни тўплаш, ишлов бериш ва сақлаш, уни баҳолаш; тузатувчи-бошқарувчи; педагогик жараённинг боришини яхшилаш, зарур коммуникатив алоқаларни ўрнатиш, бу жараённи бошқариш ва қўллаб-қувватлаш.

Ўқитувчининг профессионал қиёфаси унинг лаёқатлари орқали намоён бўлади. Асосий ўринни ўқитувчининг ўқувчиларни тарбиялаш лаёқати ташкил қилади. Улар сирасига: ўқувчининг ички оламини тўғри баҳолаш; ўқувчи учун намуна тимсоли бўла олиш; ўқувчиларда ижобий ҳислар, ўқишга нисбатан интилишни таркиб топтириш; ўқувчиларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тарбиявий таъсир кўрсатиш; ўқувчиларда ишонч уйғотиш, улар билан мулоқотда янги услубни қўллаш, бунинг натижасида уларда ўзига нисбатан ҳурмат уйғотиш кабилар.

Педагогика энциклопедиясида эса “диагностика (ташхислаш) – (юнонча *diagnostikos* – аниқлашга қодир) – таълим тизимида ўқитувчи ҳамда ўқувчи фаолиятининг муайян қиррасини ўрганиш мақсадида амалга ошириладиган текшириш жараёни”<sup>2</sup> тарзида талқин қилинган.

Педагогик ташхис – аниқ мақсаддан келиб чиққан ҳолда муайян ҳолат бўйича ўрганилувчи шахс фаолиятини кузатиш, текшириш ва баҳолашга оид статистик маълумотларни йиғиш, уларни таҳлил қилиш, динамик ривожланишни аниқлашга қаратилган назорат ёки мониторингнинг таркибий қисми.

Педагогик ташхислаш ва мониторинг ўз моҳиятига кўра, икки мақсадга эришишга хизмат қилади: 1) ўқитувчининг касбий даражасини ўрганувчи метод, воситаларнинг тизими сифатида касбий фаолиятдаги қийинчиликларни ўрганиш, уларни бартараф этишнинг самарали йўллари излаш заруриятини англаш; 2) педагогик фаолиятни ташкил этишнинг индивидуал услубига кўра, ўқитувчининг профессионал кучли томонларини аниқлаш, уларни

---

<sup>2</sup> Педагогика: Энциклопедия / Жамоа. – I жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – 320 б.

мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришнинг аниқ йўллари ва воситаларини аниқлаш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш тизими қуйидаги функцияларни бажаради: информатсион, яъни мониторинг объекти ҳолатини назорат нукталари ва якуний натижалари билан белгиланган муддатларда (мониторинг жадвали ва дастури асосида) диагностик – истиқболли кузатув; ташкилий – фаолиятли, яъни таълим мақсадлари ва уларни амалга ошириш воситалари, бажараётган вазифаларни коррекция қилиш ёки педагогик тизимларни кейинчалик ривожланиши истиқболларини белгилашнинг оптимал йўлини танлаш бўйича даврий равишда мақсадли йиғиш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш; истиқболли – педагогик тизимларда содир бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг кейинчалик ривожланишини қисқа муддатли истиқболлини белгилаш; назоратловчи – баҳоловчи – амалга оширилган педагогик ҳаракат самарадорлигини ва педагогик тизимнинг якуний мақсадларига тўлиқ эришишни назорат қилиш ҳамда баҳолаш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик мониторинг қилиш жараёни қуйидагиларга боғлиқ: бўлажак ўқитувчининг оптимал психик зўриқишларга чидамлилигига; ўқувчилар билим ва кўникмаларини назорат қила олиш малакасини эгаллаганлигига; педагогнинг ирода соҳаси ва унинг “мен” концепциясига; ечилаётган масала ва ўқувчи ҳамда ўқитувчининг шахси хусусиятлари билан аниқланувчи оптимал педагогик ҳолатга.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик мониторинг қилишда шахснинг бешта асосий блоклари назарда тутилади: қонун-қоидага буйсуниш; ҳамкорлик қилиш; ижобий “мен” концепцияси; ирода; рағбат. Хорижий мамлакатларнинг олимлари илмий тадқиқотларида ўқитувчининг профессионал тайёргарлигини ривожлантириш тамойиллари очиб берилган. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: узлуксизлик, кўпёқламалик, изчиллик, мослашувчанлик, узвийлик, турли тоифадаги педагогларнинг ўз маҳоратини ошириш сиёсатида иштироки кабилар. Хорижий мамлакатларнинг ўқитувчи профессионал тайёргарлигини оширишга оид сиёсатини уч гуруҳга ажратиш мумкин: олий педагогик таълим олиш жараёнида касбий маҳоратни ошириш; узоқ ва яқин муддатли курсларда ўқиш жараёнида касбий маҳоратини ривожлантириш; мустақил билим олиш жараёнида касбий маҳоратини ривожлантириш.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш параметрлари”** деб номланган бўлиб, унда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилиш жараёнининг мазмуни асосланган, бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини аниқлаш ва баҳолашда педагогик амалиётни ташкил этиш йўллари таҳлил қилинган, бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишга йўналтирилган жараённинг индикатив модели ишлаб чиқилган.

Педагогик ташхислаш ва мониторингда энг муҳим омил муддатнинг белгиланишидир. Яъни: объект ёки жараён, ҳар қандай ҳолат маълум вақт оралиғидагина ўрганилади. Зеро, ана шу вақт оралиғи ўрганилаётган ҳолат тўғрисида реал, объектив маълумотларни қўлга киритиш имконини беради. Педагогик ташхислаш ва мониторингда кузатув муддатлар турлича бўлиши мумкин. Яъни, 2 соат, 1 ҳафта, 2 ҳафта, 1 ой, 6 ой, 1 йил, 3 йил ёки 4 йил.

М.А.Инназаровнинг фикрича, “касбий-педагогик компетенцияларни аттестация шаклидаги ташхислаш ўқув-тарбия жараёнининг сифатини аниқловчи педагогик мониторинг тизимининг таркибий бўғини бўлиб, нисбатан мустақил, автоном характерга эга”<sup>3</sup>.

Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишда қуйидаги йўналишлар устуворлик қилади: 1) анъанавий методларни қўллаган ҳолда мавжуд илғор тажрибалардан оқилона фойдаланиш; 2) ўқув фаолиятида қўлланиладиган илғор метод ва усулларни ўзлаштириш; 3) уларни ўз вақтида ўқув материалнинг мазмуни билан боғлаш олиш; 4) ўзини-ўзи таҳлил ва баҳолаш орқали тегишли ўқув фанини самарали ўқитишда қайта алоқани таъминлаш.

Бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишда қуйидаги метод, восита ва жиҳозларидан фойдаланилмоқда: педагогик амалиёт даврида дарсни кузатиш; портфолио; таълим олувчиларнинг ютуқлари; тестлар; анкеталар.

Самарали профессионал тайёргарликнинг мақсади бўлажак ўқитувчиларнинг истиқболдаги педагогик фаолиятларини мустақил амалга оширишлари учун рағбат ҳосил қилишдан иборат. Ушбу фаолиятнинг асосий вазифалари эса: а) улар қўлга киритадиган касбий ютуқларининг ривожланиш даражасини мунтазам назорат қилиш; б) улар қўлга киритган натижаларни маҳоратли ва узоқ йил фаолият кўрсатган ўқитувчилар тажрибаси билан қиёслаш; в) бўлажак ўқитувчиларнинг ҳар бири эгаллаган педагогик билимлари ҳақидаги маълумотларни тўплашдан иборат.

Бўлажак ўқитувчилар илмий-методик фаолиятини қуйидаги мезонлар асосида ташхислаш ва мониторинг қилиш мақсадга мувофиқдир: ўқитиладиган фан бўйича талабанинг дарсдан ташқари вақтларда амалга оширадиган фаолияти мазмунининг намоён бўлиши; замонавий педагогик технологияларни ўзлаштирганлиги; ўзлаштирилган педагогик билимларнинг илғор тажрибалар билан уйғунлашганлиги; ўз педагогик билимларини мустақил ошириш соҳасидаги ҳаракатларнинг намоён бўлиши; ўз касбига оид илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштирганлиги; талабалар орасида ўтказиладиган турли танловлар, олимпиадалар ва конференцияларда иштирок этганликлари; педагогик амалиётдаги иштироклари даражасининг ифодаланганлиги кабилар.

Педагогик фаолиятнинг самарали кечишида у қандай тур ёки шаклда бўлишидан қатъи назар муайян принципларга мувофиқ амалга оширилиши аҳамиятли саналади. Шу сабабли бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал

<sup>3</sup> Инназаров М.А. Малака ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш технологияларини такомиллаштириш (олий таълим муассасалари мисолида): Пед. фанл. фалс. д-ри (PhD) ... Дис. – Т., 2020. – 176 б.

тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишда ҳам устувор принципларни белгилашга эътибор қаратилди. Фикримизча, куйида ифодаланган тамойилларга асосланиши бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг қилишда самарадорликка эришишни кафолатлайди (1-расм). Педагогик рефлексия ўқув-тарбия жараёни субъектларининг ўзаро муносабат жараёнида ўз-ўзини тенглаштиришини англатади. Бу муайян педагогик вазиятларда намоён бўлади. Чунки педагогик вазиятлар педагогик жараён субъектларининг ривожланиш шарт-шароитлари, педагогик муҳит, фаолият мазмунини қамраб олади.

Ўқитувчи педагогик фаолиятда муваффақиятга эришиши унда рефлексиянинг мукамал ривожланганлик даражасини белгиламайди, аксинча, таълим-тарбияда ўқитувчининг муваффақиятга эришиши, ўз фаолияти натижаларидан қониқиши, ўқитувчининг шаклланган касбий педагогик рефлексиясига боғлиқ. Рефлексия бўлажак ўқитувчига ўз-ўзини профессионал жиҳатдан такомиллаштириш манбаларини ўз билими ва имкониятларидан излаб топишда кўмаклашади. Бу ўқитувчининг касбий рефлексияси ривожлангани сари кечадиган ва унинг асосида узлуксиз педагогик касбий маҳоратини ва ўз-ўзини такомиллаштириш имкониятини таъминлайдиган жараёнларни аниқроқ тушунишни таъминлайди (1-расм).



**1-расм. Бўлажак ўқитувчиларнинг профессионал тайёргарлигини педагогик ташхислаш ва мониторинг жараёнининг устувор тамойиллари**

Педагогик рефлексия ўқитувчининг ўзи ва ўз хатти-ҳаракатларига объектив баҳо бериши, ўқувчилар ва атрофдагилар уни қандай қабул қилишини тушуниши, педагогик мулоқот жараёнида ўқитувчи ким билан муносабатга киришаётганини билишини англатади. Педагогик рефлексиянинг марказида ўқувчилар ўқитувчини қандай тушунишлари, ўқитувчи ўз ҳаракатларини қай тарзда амалга ошириши ҳақидаги билимлари ва тасаввурлари туради<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> Педагогика: Энциклопедия / Жамоа. III жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 148.



**2-расм. Касбий педагогик рефлексия босқичлари**

Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик амалиёт даврида ўзаро педагогик таъсир доирасида қуйидаги позициялари ажратилади: бўлажак ўқитувчи – бўлажак ўқитувчи; ўқувчи – бўлажак ўқитувчи (педагогик амалиётда ўқитувчи ролида); бўлажак ўқитувчи – мактабнинг педагогик жамоаси (шу жумладан, фан ўқитувчилари, синф раҳбари); бўлажак ўқитувчи – ўқувчининг ота-онаси; бўлажак ўқитувчи – ОТМ профессор-ўқитувчиси.

Педагогик амалиёт жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга бўлган концептуал ёндашувларни ажратиб, уларни қўллашнинг педагогик шарт-шароитлари акс эттирилди (3-расм).



**3-расм. Педагогик амалиёт жараёнини ташкил этишга бўлган концептуал ёндашувлар**

Педагогик амалиёт даврида бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарлигининг ижтимоий-педагогик йўналиши қуйидагиларда намоён бўлади: 1. Назарияни амалиётга кўчириш жараёнида касбий фаолликка йўналганлик: юқори даражадаги билимдонлик ва касбий лаёқатлиликка интилиш; ўзининг педагогик ғояларини вужудга келтириш, мазкур ғояларнинг мақсади устида фикрлаш; янги педагогик технологияларни ўзлаштириш; ўқувчилар, мактаб жамоаси ва ота-оналар билан демократик мулоқот қилиш услубига эга бўлиш; инсонпарварлик нуқтаи назарида туриб ўз-ўзини баҳолай олиш; педагогик воқеликни таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлиш. 2. Профессионал тайёргарлигини намоён қилиш даврида ижтимоий фаолликка йўналганлик: жамият учун аҳамиятли бўлган муаммолар, вазиятларни идрок этиш ва уларни танқидий баҳолаш; турли



зиддиятлар шароитида жамиятдаги мураккаб вазиятларга нисбатан тоқатли бўлиш; турли ихтилофларга тайёр бўлиш, мураса йўлини тутиш; фуқаролик жасоратини кўрсатишга интилиш; фаол ижтимоий мавқега эга бўлиш. 3. Ўзининг педагогик фаолият режасини тузиш даврида билиш фаоллигига йўналганлик: умуминсоний кадриятларни англаш; умуммаданий даражасини ошириш; инсоний маданият билан мулоқот ўрнатиш; объектив борликда кадриятларга асосланган маданиятдан фойдаланиш. Бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик амалиётини ташкил этиш жараёни мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитни ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларда ифодаланади: касбий маҳоратни таркиб топтириш; касбий ҳаракатчанликни ривожлантириш; интеллектуал хусусиятларни ривожлантириш, мустақил ўйлаш ва ҳаракат қилиш лаёқатига эга бўлиш; ўз устига масъулиятни олиш лаёқатига эга бўлиш; ҳамкорлик қилиш қобилиятига эга бўлиш кабилар.

Бўлажак ўқитувчилар педагогик амалиётини самарали ташкил этиш мақсадига қуйидаги вазифаларни ечиш орқали эришиш мумкин: бўлажак ўқитувчиларнинг ижодий, интеллектуал қувватларини тизимли ва изчил ривожлантириш; бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил билим олиш кўникма ва малакаларини такомиллаштиришга бўлган қизиқишларини ривожлантириш, билимларни мустақил излаш; бўлажак ўқитувчилар профессионал тайёргарликларининг характери ва мазмунининг динамик тарзда ўзгаришига унинг тезкор мослашишини таъминлаш; фан, техника ва илғор тажрибаларни тезкор тарзда амалиётга тадбиқ этиш учун қулай педагогик муҳитни вужудга келтириш; бўлажак ўқитувчиларнинг турли эҳтиёжлари ва маънавий талабларини қондириш кабилар.


